

**“Тошкент вилояти ичимлик суви ва оқова сув тизимларини
реконструкция қилиш ва қуриш (1-босқич)” лойиҳаси
ПАСПОРТИ**

Асос:	2017 йил 3 мартдаги ПҚ-2818-сон қарори.
Амалга ошириш муддати:	2017-2021 йиллар (ПҚ-72-сон қарор билан 2024 йилга узайтирилди).
Қарз битими:	2017 йил 3 мартда 3457 UZB (SF)-сон
Лойиҳа қиймати:	143,8 млн. доллар, шундан: - 120,9 млн. доллар (84,1%) Осие тараққиёт банки; - 22,9 млн. доллар (15,9%) Ўзбекистон ҳиссаси.
2022 йил ўзлаштириш режаси:	28,5 млн. доллар

Амалга ошириладиган ишлар

- 100 000 м³/сутка қувватли “Қодирия” сув тозалаш иншоотини қуриш;
- 500 км сув қувурлари, шундан 55,0 км магистрал сув қувурларини ётқизиш;
- 11 та сув тақсимлаш иншоотларини қуриш;
- 7 та сув тақсимлаш иншоотларини реконструкция қилиш;
- 37 та сув резервуарларини қуриш ва реконструкция қилиш;
- 49 257 та хонадонларга ичимлик суви ҳисоблагичларини улаш.

Эришиладиган натижа

Қибрай, Зангиота, Тошкент туманларидаги жами 58 та қишлоқ аҳоли пунктидаги 265 минг нафар аҳолини ичимлик сув таъминоти яхшиланади ва ичимлик суви таъминоти қамрови 60 фоиздан 92 фоизга етказилади.

Ўзлаштириш ҳолати

Лойиҳа бошидан ҳозиргача ўзлаштирилган қарз маблағлари ҳажми **38,0** млн.долл. (39,6%)ни ташкил қилади.

2022 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ жорий йилнинг январь-март ойларида **5,7** млн. доллар қарз маблағлари ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, амалда **5,72** млн. доллар ўзлаштирилди ва топшириқ ижроси **100,4** фоизга бажарилди.

Жорий ҳолати:

Лойиҳа бошидан **152,39** км ичимлик сув қувурлари, **1** та сув тозалаш иншооти қурилди. Жумладан, 2022 йилнинг январь-март ойларида **43,7** км ичимлик сув қувурлари қурилди.